# ХУШ КЕЛДИНГ БАҲОРИМ, АССАЛОМ НАВРЎЗ!

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2014 йил
**21 март**
ЖУМА
**№ 24** (12660)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз юртдошларим, қадрдонларим!

Муҳтарам меҳмонлар!

Биз Ватанимиз ва эл-юртимизнинг тарихий сана ва айёмларига бағишланган байрамларни катта тайёргарлик ва хурсандчилик билан ўтказамиз.

Лекин, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: айни шу кунларда қутлуғ қадамлари билан диёримизга кириб келаётган, баҳор, яшариш ва янгиланиш рамзи, шарқона янги йил дебочаси бўлмиш Наврўзи оламни кутиб олиш ва ўтказиш маросимлари ва хурсандчилигини ҳеч қайси байрам билан солиштириб, қиёслаб бўлмайди, албатта.

Бугун, шу фурсатдан фойдаланиб, мана шу гўзал майдонда байрамона кайфият билан жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азизларга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни, меҳр-муҳаббатимни билдириб, Наврўз айёми билан табриклаш – мен учун катта бахт.

Азиз дўстларим!

Наврўз айёмини халқимиз нақадар орзиқиб ва интизор бўлиб кутиб олаётгани, бу байрамни энг қадимий ва асл миллий байрам сифатида ана шундай ардоқлаб ўтказишимиз, ҳеч шубҳасиз, бежиз эмас ва **бунда чуқур маъно-мазмун бор.**

Бунинг сабабини аввало Наврўз ғояларида минг йиллар давомида, "Авесто" замонларидан буён халқимизнинг безавол сақланиб келаётган қадимий урф-одат ва удумлари мужассам топганида, ҳамоҳанг бўлганида кўришимиз даркор.

Бундай муносабат – аввало кўҳна ва буюк тарихимизга, улуғ аждодларимиз қолдирган меросга, бой маданиятимизга ҳурмат-эҳтиром билан қараш деганидир. Шу билан бирга, бундай муносабат – узоқ ва яқин ўтмишимиз давомида, ўта мураккаб дамларда қандай қийин бўлмасин, қандай оғир синовлардан ўтишга тўғри келмасин, муқаддас қадриятларимизга хиёнат қилмасдан, уларга доимо садоқатли бўлиб яшаётганимиз, уларни эъзозлаб, авайлаб, янги авлодга етказиб келаётганимизнинг ёрқин ифодаси ва тасдиғидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Наврўзи олам ўлкамизга қадам қўйиши билан ҳар биримиз ён-атрофимиздаги мавжудотнинг уйғониши, куртаклар ва гул-чечаклар очилиши, ер у кўк бағрида юз бераётган ўзгаришлардан, баҳор нафасидан баҳраманд бўламиз, она-табиатимизнинг узвий ва ажралмас бир қисми эканимизни беихтиёр чуқур ҳис қиламиз.

Айни шу паллада худдики табиат олами билан уйғун ва муштарак бўлиб, бу осуда ҳаётни ҳар бир кунининг қадрига етиб, шукроналик ҳиссиёти билан яшаш кераклигини яна ва яна бир бор англаймиз.

Бундай ажойиб лаҳзаларда миллати, тили, динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар қайси оила шоду хуррамлик билан баҳор соғинчи ва орзу-ниятларини, ёруғ чеҳрасини намоён этишга интилади.

Шу файзли, шодиёна кунларда ҳар қандай гина ва аразлар, низо ва адоватлар унутилади, юртдошларимиз сумалак, ҳалим, кўксомса каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида тўпланиб, қалбини дунёга кенг очиб, Наврўз неъматларини, байрам қувончини яқинлари, ёру биродарлари билан баҳам кўришни истайди.

Барча-барчага соғлиқ-омонлик, бахт-саодат тилайди, табаррук кексаларни зиёрат қилишга, уларнинг дуосини олишга ҳозир бўлади.

Шу мўътабар айёмда беморлар, етим-есирларнинг, муҳтож инсонларнинг кўнглини, руҳини кўтариш, барча савоб ишларни амалга ошириш – буларнинг ҳаммаси халқимизнинг қон-қони, онг-онгига сингиб кетганидан, яхшилик ва эзгуликни доимо юрагида сақлаб келаётганидан дарак беради.

Айни шундай пайтларда ўзимга ўзим бир савол бераман. Дунёда бизнинг меҳрибон, меҳмондўст халқимизга ўхшаган халқни топиш мумкинми ўзи? Аминман – ҳеч қачон!

Азиз дўстларим, биродарларим, бизнинг халқимиз нимани истайди? Аввало, ўз юртида ва қўшни минтақаларда, бутун оламда тинчлик-осойишталик ҳукм суришини, турли-турли ҳудудларда давом этаётган можаро ва қарама-қаршиликлар куч ишлатмасдан, фақатгина тинчлик йўли билан, сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилинишини хоҳлайди.

Ўз осмонининг мусаффо бўлишини, тинчлик барқарор бўлган ҳаётни истайдиган халқимиз ўзгаларга ҳам айни шундай тилакларни раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, бугун мана шу даврада ўтирган чет давлатларнинг муҳтарам элчиларини, халқаро ташкилотлар вакилларини, бутун дипломатик корпусни, олис ва яқиндаги мамлакатларнинг халқларини Наврўз байрами билан табриклаб, уларга равнақ ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам дўстларим!

Менинг истагим – мана шу шукуҳли, тароват сочилиб турган дамларда шу муаззам боғда бизга меҳр билан боқиб турган буюк Алишер Навоий бобомизнинг **"Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!" – деган тилаклари** худди янгитдан қулоғимизга чалингандек туюлсин, шундай хуш кайфият сиз, азизларимга, бутун эл-юртимизга доимо ёр бўлсин.

Бугун ҳаётга кириб келаётган, билаги куч-қувватга тўлиб бораётган йигит-қизларимизнинг очиқ чеҳрасига боқиб, айтмоқчиман – барчамиз бир нарсани эсимиздан чиқармаслигимиз зарур: Ватанимизнинг тараққиёти ҳақида, дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторига кўтарилишимизни аввало сиз, униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг салоҳияти, билимга чанқоқлиги ва илму фан чўққиларини ўзлаштиришингизга, **етук ва баркамол авлод бўлиб вояга етишингизга қараб, халқаро жамоатчилик бизнинг нималарга қодир эканимизга баҳо беради.**

Шунинг учун ҳам биз ўзлигини, ўз қадр-қимматини, Ватани олдидаги ўз бурчини чуқур англаган, ўз олдига баланд марралар қўйиб, дунёдаги барча тенгдошлари билан беллашувга тайёр фарзандларимни **бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз, деб юксак қадрлаймиз** ва сиз ёшларимизни эъзозлаб камол топтиришда ўзимизни ҳеч қачон аямаймиз.

Азиз ва навқирон, кўзни қувонтирадиган болаларим – Наврўзи олам барчангизга баҳордек очилиш, бахт ва омад, севги-муҳаббат олиб келсин, энг эзгу орзуларингизни рўёбга чиқариш сизга насиб этсин.

Азиз қадрдонларим!

Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Хонадонларимиздан меҳр-оқибат, файзу барака аримасин!

Табаррук оталаримиз, мунис оналаримизнинг умрлари узоқ бўлсин, ака-укаларимиз, опа-сингилларимизнинг кўнглидаги пок ниятлари ижобат бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



## ПОЙҚАДАМИ ҚУТЛУҒ, НИЯТЛАРИ УЛУҒ АЙЁМ

**Эзгулик, муҳаббат, хайр-саховат, шафқат ва шафоат айёми. Наврўзи олам шаънига айтилажак таърифу таҳсинларнинг ҳисоби йўқ. Бугун юртимизнинг барча гўшаларида бу қадимий айём миллий қадриятларимизга ҳамоҳанг халқ сайиллари тарзида нишонланаётгани, байрам тадбирлари "Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этгани бежиз эмас. Бинобарин, халқимиз бу байрамни доим ўзгача бир соғинч, интиқлик билан кутади. Бу гал ҳам шундай фусункор дамларда юртдошларимиз дилларида қувонч, шу ёруғ, дориламон кунларга эсон-омон етганимиз учун шукроналик ҳисси ҳукмрон.**

Вилоятимизда азалий ва боқий байрамимизнинг асосий тантаналари Олмалиқ шаҳридаги "Металлург" ўйингоҳида бўлиб ўтди. Тантанали маросимда вилоят фаоллари, нуронийлар, ишлаб чиқариш илғорлари, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида юксак муваффақиятларга эришаётган замондошларимиз, ёш авлод вакиллари жамулжам бўлдилар.

Ранго-ранг гуллар, нақшинкор безаклар, қадимий осориатиқалар билан безалган амфитеатр саҳнаси узра карнай-сурнай ва ноғоралар садоси таралиб, Наврўз сайли бошланганидан дарак берди.

Байрам иштирокчиларини вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов Наврўзи олам билан самимий муборакбод этди.

Наврўз – ёшлик, орасталик, гўзаллик, беғуборлик ва покизалик тимсоли. Шу маънода бу йилги айём шукуҳида ўзгача маъно-моҳият мужассамдир. Бинобарин, жорий йилнинг Президентимиз томонидан Соғлом бола йили деб эълон қилиниши ёш авлод камолоти йўлидаги беқиёс ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз таъбири билан айтганда, буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади. Қабул қилинган Давлат дастури ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш йўлида навбатдаги залворли қадам бўлди.

– Болажон халқмиз, фарзандларимиз униб-ўссин дея елиб югурамиз, – дейди Пискент туманидаги 1-умумтаълим мактаби директори, "Эл-юрт ҳурмати" ордени нишондори Марҳабо Қурбонова. – Қаранг, кечагина мактабимизни битириб кетган шогирдларимиз бугун ҳаётда ўз ўринларини топишаяпти. Мана бугунги шодиёнада ҳам, уларнинг айримларини кўриб, ич-ичимдан қувониб ўтирибман. Фарзандлар камолини кўрганга нима етсин!

Халқимиз азалдан тўй ва шодиёналарни алоҳида тараддуд билан қарши олади. Бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, саховат ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни янада юксалтириш, умумхалқ байрамлари арафасида маҳаллалар, кўчалар ва аҳоли тураржойларини ободонлаштириш мақсадида куни кеча юртимиз бўйлаб умумхалқ ҳашари ўтказилди.



Кўкламнинг эзгу анъаналаридан бири ерга ниҳол қадаш, янги боғ ва гулзорлар барпо этишдир. Бу ҳар кимнинг юрт ободлиги, эл фаровонлигига қўшадиган ҳиссаси, десак янглишмаймиз. Бинобарин, айни дамларда мамлакатимизнинг қайси нуқтасига борманг, баҳорги кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш юмушларининг устидан чиқасиз. Айниқса, бу галги баҳор об-ҳавосининг кўчат экиш ва кўкартириш учун жуда қулай келаётгани, шунингдек, давлат ва бир қатор жамоат ташкилотларининг янги боғ-роғлар барпо этиш, чор-атрофни янада ободонлаштиришдан иборат ижтимоий ташаббуслари бу каби хайрли ишларга ўзгача кўлам бағишлаяпти. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, вилоятимизда шу кунгача экилган мевали ҳамда манзарали дарахт ва гул кўчатлари 10 миллион донадан ошиб кетганининг ўзи ҳам бу борадаги ишлар салмоғини англатади, албатта.

*(Давоми 2-бетда).*

## *КЎКЛАМ, СЕНИ ЖУДА СОҒИНДИК*

*Кўнглим истаб, қирлар кездим, наво йўқ,*
*Шамоллардан сени сўрдим, садо йўқ.*
*Адирларда кўп изладим, бойчечак,*
*Ботир элчи кўкламингдан бер дарак.*
*Кўклам, кўклам сени жуда соғиндик.*

*Қўмсаб-қўмсаб, далалардан изладим,*
*Ялпиз дея, ариқ бўйин исладим.*
*Излай-излай, сўнг англадим топмайин,*
*Кўнглим кўклам, сен даламга келмайин.*
*Кўклам, кўклам сени жуда соғиндик.*

*Интиқ-интиқ кутган юраклар ёниқ,*
*Бахтли юртим обод, осмоним ёруғ.*
*Кўкламим, кел, пешонангдан ўпайин,*
*Сени қучиб, шукроналар айтайин.*
*Кўклам, кўклам сени жуда соғиндик.*

**Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.**

# Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

## ПОЙҚАДАМИ ҚУТЛУҒ, НИЯТЛАРИ УЛУҒ АЙЁМ

– Бу йилги кўкламда хўжалигимиз қошидаги мўъжазгина кўчатхонамизда 1 миллион тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари тайёрлаб бердик, – дейди Зангиота туманидаги "Миришкор Сайфутдинова Хонзода" фермер хўжалиги раҳбари Заҳриддин Сайфутдинов. – Бундан ташқари, 200 хилдан ортиқ ноёб гул кўчатларини кўпайтиряпмиз. Чор-атрофимиз гулу гулзорларга бурканаётганини кўраяпсизми?! Яшариш, яшнаш фасли дегани шу-да! Очиғи, юртимиз ободлигига озгина бўлса ҳам ҳисса қўшаётганини ўйлаганда, фахрланиб кетади, киши.



Асрлар давомида Наврўз кунлари одамлар ёппасига қир-адирларга, кўча ва хиёбонларга, гузар ва боғларга сайилга чиққан. Бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойиба, қўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови янграган. Улоқ-кўпкари, пойга, кураш, мерганлик каби томошалар ўтказилган. Дорбозлар, полвонлар ўз санъатини намойиш этганлар.

Театрлаштирилган бадиий-мусиқий дастурдан ўрин олган ранг-баранг ашула ва рақс, турли бадиий жамоаларнинг чиқишлари, майдон саҳнида уюштирилаётган халқ ўйинлари, куйланаётган қўшиқ, лапар ва ижро этилаётган рақсларда қадимий байрамимизнинг шу ноёб қирралари акс эттирилди.

Тошкент – кўп миллатли вилоят. Гўзал Ватанимизнинг янада равнақ топишида шу мўътабар заминда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар қайси инсон, ҳар бир юртдошимизнинг муносиб ҳиссаси бўлганидек, байрам дастуридан ўрин олган қардош миллатларнинг қўшиқ ва рақс санъати намуналарида ҳам катта маъно бор. Бинобарин, озод диёримизда бир тану бир жон бўлиб яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг бадиий чиқишлари Наврўзнинг асл моҳияти, кишиларни бирлаштирувчи, дилларни дилларга боғловчи ҳаётбахш кучини яққол ифода этади.



Наврўзга аждодларимиз ризқ-насиба унувчи табаррук палла, деб ҳам қарашган. Неча-неча асрлардан буён боқий яшаб келаётган деҳқончилик анъаналарига кўра, худди шу кунларда миришкорлар дастурхонимиз тўкин ва баракали бўлсин деб катта юмушларга бел боғлайдилар. Вилоятимиз пахтакорлари ҳам эртаиндин катта мақсад, эзгу умидларни дилга жо айлаб, барака уруғи қадашни бошлайдилар.





– Деҳқон дуога қўл очганда, аввалам бор, юртимиз тинч, ризқу насибамиз бутун бўлсин, деб ният қилади, – дейди Юқори Чирчиқ туманидаги "Тожиаҳмад" фермер хўжалиги раҳбари Давлатали Тожиаҳмедов. – Бугун шундай фараҳбахш истаклар куртак очган палла. Шу айёмга келишдан аввал далаларимни айланиб, кўнглим равшан тортди. Ерга қуёш тафти тушди, тупроқ етилди. Насиб бўлса, бу йил ҳам деҳқончилигимиз қут-баракали бўлади.

Халқимизда тўйга тўёна билан, деган гап бор. Ҳар йили бу айём арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилган янги иншоотлар, корхона ва ижтимоий муассасаларни фойдаланишга топшириш хайрли анъанага айланган. Вилоятимизда шу кунларда янги корхоналар, ишлаб чиқариш объектлари, туражойлар, спорт майдонлари, маданият ва хизмат кўрсатиш иншоотлари иш бошламоқда. Шу ўринда мазкур шодиёнага мезбонлик қилган кончилар ва металлурглар шаҳрида куни кеча очилган муҳташам стадион, Ангрен шаҳрида ёш оилаларга тортиқ этилган кўп қаватли замонавий тураржойлар, шунингдек, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари, Қибрай, Зангиота, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл, Пискент, Қуйи Чирчиқ туманларида олиб борилаётган кўламли бунёдкорлик ишларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Саҳнада намойиш этилган халқ маросимлари ва миллий спорт ўйинларидан сўнг элу юртимизни мадҳ этувчи, ўзликни улуғловчи яллалар янгради. Уларда халқимизнинг ўзига хос миллий фазилат ва хислатлари тараннум этилди. Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ижрочи ёшларнинг она юртни, истиқлолни, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантирди. Мусиқий оҳанглар, дилтортар рақслар, фусункор саҳна манзаралари ва ниҳоят, кўкка бўй чўзган алвон мушаклар йиғилганларга завқ-шавқ бағишлади.

Наврўз шодиёналари вилоятнинг барча ҳудудларида, қишлоқ ва маҳаллаларида, меҳнат жамоаларида давом этмоқда.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**
**Даврон АҲМАД,**
**Азамат АҲМЕДОВ,**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

**Байрам – ўз номи билан хурсандчилик, шодиёна, тантана. Шу боис байрамлар тинч-осуда юртларга ва, албатта, фаровон яшаётган халқларга ярашади.**

**Бизнинг байрамларимиз ҳам бирбиридан азиз, ардоқли. Мустақиллигимиз мустаҳкамланиб, Ватанимиз равнақ топгани сари улар ҳам янада гўзаллашиб бормоқда. Зеро, умумхалқ байрамларида юрт фаровонлиги ва эл кайфияти намоён бўлади.**

## ТЎКИНЛИК, ҚУТ-БАРАКА РАМЗИ

Шу маънода минг йиллар оша халқимизнинг энг севимли байрами ва боқий қадриятларидан бири сифатида яшаб келаётган Наврўзи олам ҳам йилдан йилга янгича мазмун касб этаётир. Ҳаётнинг ўзидек азал ва баҳор каби гўзал бу байрам ҳар йили юртимизга фаровонлик, тўкинлик, мўл-кўлчилик, қут-барака олиб келади. Биз шундай мўъжизакор байрам завқ-шавқини тотиш бахтига мушарраф бўлган саодатманд ва бахтиёр халқмиз.

Ўрта Осиёлик тарихчи олим, 900-йилларда яшаб ўтган Абу Бакр ал-Наршахий "Бухоро тарихи" асарида Наврўз байрамига оид айрим удумларни келтириб, унинг уч минг йилдан ортиқ вақтдан бери нишонлаб келинишини таъкидлаган. Шу битиклардан кейин ҳам, мана, орадан яна минг йилдан ортиқ вақт ўтди. Улуғ шоир Абулқосим Фирдавсий "Шоҳнома" асарида Наврўз байрамининг пайдо бўлишини афсонавий шоҳ Жамшид номи билан боғлайди. Кўриниб турибдики, Наврўз – ҳаётнинг ўзидек қадимий бўлиб, халқ даҳоси, иродаси ила замонлар оша яшаб келаётган ўлмас қадрият.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бошқа қадриятлар қатори Наврўз ҳам умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Айниқса, аждодлар қадриятлари алоҳида улуғланиб, эъзозланадиган, баҳори эса бетакрор ва ғоят гўзал юртимизда бу байрам ўзгача жозиба ва шукуҳга эга.

Шамсий йил ҳисобида йилнинг биринчи куни ҳисобланадиган Наврўз – янги кун бизнинг ўлкамизда табиатнинг росмана янгиланиши, ёшариши – янги ҳаёт бошланиши тимсолида намоён бўлади. У яна ризқ-рўзимиз манбаи бўлган деҳқончилик ишларининг бошланиши, меҳр-мурувват айёми билан уйғунлашган ҳолда Наврўзнинг шоҳ таоми – сумалак, янги кўкатлардан тайёрланган таомлар, улоқ, кураш, пойга ва бошқа турли тадбирлар, қизиқарли томошаларда акс этган халқ сайлига айланиб кетади. Бу тантана ва шодиёналар юртимизнинг барча қишлоқ ва маҳаллаларида ҳам кўтаринки кайфият, тўкин дастурхон, аҳиллик, меҳр-мурувват билан нишонланадики, унинг шукуҳидан барча-барча баҳраманд бўлади.

**Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.**

## ШУКРОНА

*Қиш бўйи булутга беркинган қуёш*
*Ниҳоят юз очиб, жилмайиб қолди.*
*Тунини кун билан айлабон тенгдош*
*Осмон ҳам бир қадар кенгайиб қолди.*

*Қишнинг рутубатли совуқларидан –*
*Қутулган кекса-ёш кўриб ялпизни*
*Кўзларига сурар, дейишар шодон:*
*"Шукр, шу кунларга етказдинг бизни".*

*Ёш-яланг юзида табассум чақнар,*
*Гулгун товланади лола ёноқлар.*
*Сумалак солинган қозонин кавлар*
*Шўх лапар айтишиб, ҳуру малаклар.*

*Тирик жонзот борки, жуфтини чорлар,*
*Қушлар севги рақсин бошлаган бу дам*
*Ер тафтидан эриб қорлар, қировлар,*
*Даласидан ризқин излар деҳқон ҳам.*

*Далалар ям-яшил, ниятлар оппоқ,*
*Мўл бўлсин юртимда насиба, ризқ-рўз.*
*Бодомлар шохида гуллардан бодроқ*
*Қадамларинг қутлуғ, хуш келдинг, Наврўз!*

**Эргаш Али УМИРЗОҚОВ.**

**Юртимизда Наврўз шукуҳи кезиб юрган шу кунларда вилоятимиз шаҳар ва туманларида ҳам кенг кўламда баҳорги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари қизғин бошланиб кетди. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Абдурашид Расулов бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди.**

## ОРАСТАЛИК ИШТИЁҚИ

– Вилоятимизнинг мингга яқин фуқаролар йиғинлари ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларида, корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида ҳар йилгидек мавсумий ҳашарлар ташкил этилмоқда. Шу кунгача 135 та техника воситаси жалб этилиб, 2410 гектар майдон чиқиндилардан тозаланди. 3076 километр узунликда ариқ ва зовурлар тозаланиб, мавсумга шай ҳолатга келтирилди.

Вилоятдаги 746 та зиёратгоҳ ва қабристонларнинг 664 таси ободонлаштирилди. Тураржой мавзелари ва маҳаллалардаги дарахтлардан 1 миллион 778,5 мингтасига шакл берилиб, оқланди. 1 миллион 120,3 мингта манзарали, 1 миллион 311,8 мингта мевали, 184,5 мингта тут кўчатлари экилди. Шунингдек, Янгийўл, Чиноз ва Зангиота туманларида ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга хайрия ёрдамлари кўрсатилди. 178 та шундай оилаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди. Айрим ёш оилалар, кўп болали ва боқувчисини йўқотганларга 24 миллион сўм миқдорида мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

**Саид ҲАСАНОВ.**

**Қиш қишлигини қилди. Устма-уст қор ёғди. Кўп йиллардан бери кузатилмаган қаттиққина совуқ кунлар бисёр бўлди. Албатта, бу хайрли аломат. Ёғин сероблиги йилнинг баракотли келишидан дарак беради, иншоолоҳ...**

**Мана энди, бу ёғи кўклам. Хабарчи бойчечаклар бўй кўрсатганига анча бўлди. Янги кун, янги йилни бошлаб бергувчи Наврўзи олам ташриф буюрди. Наврўз нишонланадиган кун – 21 мартда фасллар алмашади, қиш ўз ўрнини тўла-тўкис кўкламга бўшатиб беради. Ҳут чекиниб, Ҳамал киради. Ҳамал – амал дейишади. Митти майсадан улкан чиноргача амалга кириб, уйғона бошлайди.**

## БЕҲАД МАНФААТУ МУКОФОТЛАР КУТАДИ БИЗНИ

Наврўз, албатта, ўз номи билан байрам, тўй-томоша, шодиёна. Қадим-қадимдан шундай бўлиб келган. Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Берунийдан бошлаб Лутфий, Алишер Навоий, Мирзо Бобургача кўплаб алломаларимиз асарларидан биламизки, бу кун умумхалқ шодиёнаси сифатида байрам қилинган. Ёшу кекса, эркагу аёл, бою камбағал ундан бирдай баҳраманд бўлган. Дошқозонларда Наврўз таомлари тайёрланиб тарқатилган, тандир-тандир кўксомсалар ёпилган. Дастурхонларга минг турли ноз-неъматлар тортилган. Байрамга кўпкари, кураш, дорбозлик каби халқ ўйинлари зеб берган. Бир сўз билан айтганда, Наврўз одамлар ўртасидаги аҳилликка, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга хизмат қилувчи муқаддас анъана, урф-одат, миллий қадрият байрами сифатида нишонлаб келинган.

Шу билан бирга, Наврўз меҳнат байрами ҳамдир. Чунки Наврўз – йилбоши. У янги меҳнат мавсумини бошлаб беради. Далаларга яхши ният билан уруғ ташланади, боғлардаги дарахтларга зеб берилиб, янги ниҳоллар ўтқазилади. Демак, бизда янги меҳнат мавсуми Наврўз байрами билан, яъни хушу хурсандчилик билан бошланади. Дарҳақиқат, тўкин-сочинлик, хотиржамлик, фаровонлик, юксалиш, қўйингки, дунёдаги барча яхшиликлар сабабчиси – меҳнат. Шу боис азалдан меҳнаткаш бўлган халқимиз бу байрамни интиқлик билан кутади, байрамни ҳам айнан дала бошида, боғлар қўйнида ўтказади. Кучга куч, ғайратга ғайрат қўшилиб, дилга тугилган эзгу ниятлардан руҳланиб ишга киришади.

Тошкент давлат аграр университети ўрмончилик кафедраси мудири, профессор Абдухалил Қаюмов билан яқинлигим бор. Унинг юртимиз табиати, бебаҳо табиий ресурслари хусусидаги гапларини тинглаб, ҳар сафар ҳайратга тушаман. "Дунёда ўн икки ҳудуд бор ва ер юзидаги барча мева-чевалар навлари ана шу ўн икки ҳудуддан тарқалган, – дейди у. – Шундан биттаси Марказий Осиё бўлиб, генетик ресурснинг бойлиги бўйича Хитойдан кейин иккинчи ўринда туради. Марказий Осиёда эса, шубҳасиз, бизнинг юртимиз пешқадам"... Генетик ресурс деганда, Абдухалил ака тоғлар ва тоғолди ҳудудларимизда табиий ҳолда ўсувчи писта, ёнғоқ, бодом, дўлана, олма, олча дарахтларини назарда тутади. Бундай мевали дарахтлар қурғоқчиликка, ноқулай об-ҳаво шароитларига чидамли. Шундан келиб чиқиб, республикамизнинг тоғли ҳудудларида лалмикор боғлар яратиш йўлга қўйилибди. Боғдорчилик фермерлари ташкил этилибди. Жумладан, Паркент туманидаги Абдулла Шодиев раҳбарлик қилаётган боғдорчилик фермер хўжалигида лалмикор узумзор ва мевали боғлардан мўл-кўл ҳосил олинаётган экан.

Дарҳақиқат, тупроғимиз унумдор, зироатбоп ерларимиз мўл-кўл. Беармон экинтикин қилиш, боғ-роғ яратиш мумкин. Профессор Абдухалил Қаюмов айтганларидек, ҳатто тоғу тошларимизда ҳам ўнлаб турдаги бебаҳо мева-чевали боғлар табиий ҳолда ўсиб ётибди. Боз устига бизда йилнинг тўрт фасли тўкис, бири-биридан файзли, зийнатли. Қолаверса, буюк Истиқлол шарофатидан эркин меҳнат қилиш ва меҳнатимиз самарасидан ўзимиз тўла-тўкис баҳраманд бўлиш имконига эга бўлдик. Бундай бебаҳо неъматлар ва имкониятлар шукронаси учун ҳар қанча меҳнат қилсак, чор-атрофни боғу бўстонларга айлантирсак арзийди.

Юртимизда баҳорнинг илиқ шабадаси, Наврўз нафаси кезмоқда. Бутун борлиқ яшармоқда. Халқимиз эса эзгу ният билан далабоғларга чиқиб, кўклам ишларини бошлаб юборган. Янги боғлар барпо қилиш, юртимиз ҳуснига ҳусн қўшиш ниятида тер тўкмоқда. Келинг, азизлар, ҳар биримиз – ёшмизми, кексамизми, бу эзгу ниятга қўшилайлик, уларга камарбаста бўлайлик. Зеро, биз бугун ўтқазган ниҳоллар эрта бир кун худди ниятларимиз рўёбидек, гулга киради, мўл-кўл мева беради. Ва, албатта бунинг орқасидан беҳад-беҳисоб манфаат-мукофотларга бизни мушарраф этади.

**Қурбонали ТУРСУНОВ, вилоят бош имом-хатиби.**

## ДАЛА ИШГА ЧОРЛАМОҚДА

**– Қурбақа қуриллади!..**

**Фермер Баҳодирнинг сумбулсоч келинчаги айтган бу суюнчи тонгги шабада мисол бутун Азим ота қишлоғига бир зумда тарқалди. Бу "Авазхон" фермер хўжалиги аъзолари учун кўпдан кутилган янги хабар эди.**

Баҳодир Азимов қувончини яширолмади, дарҳол тракторчи Йўлдош Хотамовникига югурди. Буни қарангки, Йўлдош аллақачон тракторига бороналарни тиркаб, далага йўл олган экан. Шу куниёқ иш бошланиб кетди. Биров кетмон, биров белкурак, биров паншаха, биров яна ниманидир қўлига олиб, далага чиқди.

Қишлоқ аҳли яхши биладики, қурбақанинг қуриллаши кўкламдан чинакам мужда. Шу паллада осмонда бир парча ҳам булут бўлмайди, қушлар пастлаб учади. Қурбақа сас бердими, энди аёз бўлмайди. Энди деҳқоннинг товони билан кафти қичийверади.

– Биринчи кунданоқ ишимиз чакки бўлмади, – дейди фермер Баҳодир Азимов. – Ўттиз гектар ерга пиёз уруғи сепдик. Алмашлаб экишга мўлжалланган ўн беш гектар ерни беда экишга мослаб қўйдик, бошқа резаворлар ҳам экилмоқда.

"Авазхон" Оҳангарон туманидаги тўнғич фермер хўжаликларидан. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирларида асл деҳқон Аваз Азимов эндигина куртак отаётган ижарачиликка маҳкам ёпишди-ю, ўша пайтдаги "Ангрен" хўжалигидан 70 гектар ер олиб, иш бошлади. Мана энди "Авазхон" фермер хўжалиги бугун 160 гектарга яқин майдонда деҳқончилик қилмоқда. Аваз Азимов хўжаликка ўн йиллардан ортиқ раҳбарлик қилди. "Авазхон" ривожланган сари атроф қишлоқлардан олтмишга яқин оила кўчиб келиб, сўлимгина Азим ота қишлоғи бунёдга келди. Янги мактаб, автосервис устахонаси, савдо дўконлари, ошхона, хуллас, бутун бошли гузар барпо этилди. Хонадонлар тоза ичимлик суви, газ, электр қуввати билан тўла таъминланди.

Кўклам йилт этиши билан "Азимхон" деҳқонлари далага отландилар. Олти чақиримдан узунроқ сув йўллари тозаланди. Кузда экилиб, яхши туплаган 110 гектар ердаги ғалла ҳозир иккинчи марта озиқлантирилди. Дала бошига 110 тоннадан зиёд гўнг чиқариб қўйилди, эрта-индин у ғаллага шарбат бўлиб оқади.

– Фермерликни ўтган йили отамдан қабул қилиб олганман, – дейди Баҳодир. – Бултур гектаридан 40 центнердан ғалла, 250 центнердан ошириб сабзавот ҳосили кўтардик, шунга яраша даромад ҳам олдик, бу йилги ҳаракатимиз ҳам ўша мақсад билан бошланган.

Баҳодир билан хайрлашаётганимизда, у далада ишлаётган одамларнинг ҳаракатидан завқи келди шекилли, қизиқ гап айтди:

– Наврўзнинг қудратини қарангки, у оддий дала ишларини меҳнат байрамига айлантириб юборади.

**Қ. МЎМИНОВ.**

Огоҳлик – давр талаби

## ЮРТИМИЗГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

**Қалбимизга илиқлик бахш этиб, юртимизни кўклам чечаклари билан безаётган Наврўз байрами барчамиз учун шарқона янги йил дебочаси, маънавиятимизнинг узвий қисмига айланиб кетган энг қадимий, асл миллий байрам сифатида азиз ва мўътабардир. Бир неча минг йиллардан бери нишонлаб келинаётган ушбу байрамда меҳр-мурувват, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби туйғулар, инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, деҳқончилик мавсумининг бошланиши ўз ифодасини топган.**

Шунинг учун асрлар оша бу байрам боқий қадрият, миллий маросим сифатида яшаб келмоқда. Зеро, Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида қайд этилганидек, "Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодасидир".

Муҳтарам Президентимизнинг оқилона сиёсатлари самараси ўлароқ, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, байрамларимиз чиройли. Шундай кунларда мамлакатимиз ташқарисидаги турли террорчи ва диний экстремистик кучларнинг борлигини ҳам асло унутмаслигимиз, ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз талаб этилади.

Бугунги кунда олдимизда турган долзарб вазифалардан бири маънавий таҳдидлар ва диний хавфсизлик муаммосидир. Шу билан бирга Ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни тузоғига илинтириб, улардан нопок мақсадлар йўлида фойдаланишга уринишмоқда. Бундай ножўя ҳаракатлар аввало, муқаддас динимиз шаънига доғ бўлишини, охир-оқибат маънавий ҳаётимизга кучли таҳдид эканини унутмаслигимиз керак.

Лоқайдлик инсонни маънавий ҳалокат томон элтувчи йўлдирки, бу йўлга тушиб қолишдан ўзимизни ўзимиз асрашимиз, ёвуз кучларга қарши собитқадамлик билан курашиш, ўз эркинлигимизни, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш учун, айниқса, умумхалқ байрамлари кунларида огоҳлигу ҳушёрликни бўшаштирмаслигимиз лозим.

**Баҳодир ТОЖИБОЕВ, "Максам-Чирчиқ" корхонаси ишчиси.**

Эътибор

# ҒУРУР ВА ФАХРЛАНИШ ҲИССИ

**Бекобод шаҳрининг "Бахт уйи" кошонасида ўтказилган Наврўз байрамига 400 дан зиёд аҳоли таклиф этилди. Энг чекка қишлоқларнинг "Бунёдкор", Жомий, Ҳамид Олимжон маҳаллаларидан келган меҳмонларга ҳам алоҳида иззат-икром кўрсатилди, байрам совғалари топширилди.**

**Байрам баҳона 292 хонадонга микротўлқинли печь, 4- ва 13-умумтаълим мактабларига 22 дона компьютер жамланмаси ва қурилиш ашёлари, 256 ўқувчига ўқув қуроллари ажратилди.**




– Соғлом бола йили биз учун қувончли воқеалар билан бошланди, – дейди 4-умумтаълим мактаби директори Муҳаббат Ортиқова. – Инсонпарварлик тамойиллари устувор бўлган давлатимиз сиёсати самаралари рини ҳар қадамда кўриб, ҳис этиб яшаш ҳар биримизга беқиёс фахр, ғурур бахш этади. Бугунги шодиёна, ажойиб байрам тадбири мустақил Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро доимо давлатимиз эътибори ва ҳимоясида эканининг ёрқин ифодаси. Энди ўқувчиларимиз дунёвий, илмий билим ва салоҳиятларини компьютерлардан янада ошириш имкониятига эга бўлишади. Ажратилган қурилиш ашёлари синфхоналаримиз-




нинг кенг, ёруғ, иссиқ бўлишини таъминлайди.

– Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолияти такомиллаштирилиб, ваколатлари кенгайтирилаётгани боис маҳалла институтлари нуфузи ошиб бораётгани қувонарли, – дейди "Бунёдкор" маҳалла фаоли Зуҳра Абдуқаюмова. – Наврўз шодиёналари кунларида маҳалламиз гузари ҳашар йўли билан ободонлаштирилди. Унинг саранжом-саришта, замонавий кўриниши маҳалла аҳлида эзгулик уйғотиб, меҳр-оқибат, садоқат туйғуларини шакллантиришга шубҳасиз.

Байрам тадбирида эл ардоғидаги ёзувчи ва санъаткорларнинг чиқишлари, шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими тайёрлаган концерт дастури иштирокчиларга хуш кайфият бахш этди.

Байрам тадбирида Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Учрашув

# ДИЛДАН СУҲБАТ

**Зангиота тумани Юнусобод қишлоғидаги "Ғулом Маҳмуд барака" агрофирмасида Наврўз байрами арафасида ўзбек эстрадаси юлдузлари ва машҳур кино актёрлари иштирокида катта концерт кечаси уюштирилди.**

Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Зангиота тумани ҳокимлиги, "Миллий тикланиш" демократик партияси туман кенгаши, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси тадбир эмин-эркин, дилдан суҳбат руҳида ўтиши учун барча шароитларни муҳайё қилдилар. Яқин-атрофдаги маҳаллалар фуқаролари, коллеж ва мактаб ўқувчилари ўзлари севган хонанда ва актёрлари билан эркин суҳбат қуришиб, катта концерт дастуридан ўрин олган қўшиқларни тинглаб, маданий ҳордиқ чиқардилар.



**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

## Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари

**Эндигина 17 ёшнинг юзини кўраётган ангренлик Севара Одил қизи Абдулҳакимова Ангрен ахборот технологиялари ва саноат касб-ҳунар коллежи биринчи босқич ўқувчиси. Лекин, у дунёнинг кўпгина мамлакатларини кўриб улгурди: Япония, Румыния, Туркия, Греция... Ажойиб! Ҳавасу ҳайратга муносиб имконият! Сўзсиз, мустақиллик яратган бундай шароит ҳар бир ёш авлод тақдирига битилган улуғ неъматдир. Лекин, Севарахон бу ҳақда нима дер экан?!**

# ТУПРОҒИНГДА УЛҒАЙДИМ, ВАТАН!

– Ангрен шаҳрининг Нуробод қўрғонида туғилганман, – дейди у. – Оиланинг кенжаси, онам ва уч оғаини ботирларнинг эрка қизи, синглисиман. Болалигимдан спортга меҳр қўйганимнинг боиси – шу акаларимнинг ортидан югуриб юришим, уларнинг чаққон-чапдаст ҳаракатларига ҳавас қилганим, отажонимнинг меҳри, қўллаб-қувватлаши эди. Отам мени "Шотакан каратэ-до" спорт клубига етаклаб борганида етти ёшда эдим. Ўшандан буён спорт менинг ҳаётимга айланди. Шу кунгача олган фахрий ёрлиқ, диплом, соврин, медаль, гувоҳномаларим 46 тага етибди. Менинг ҳозирги кундаги ютуқларимни кўриш, афсус отамга насиб этмади. Лекин, мени ҳар қадамда қўллаб турган онам, Ватаним, яқинларим, маҳалладошларим, устозларимдан миннатдорман. Каратэ мени спорт оламига машҳур қилди. Яна волейбол, баскетбол ўйнашни, турли фан тўгаракларида иштирок этишни, китоб ўқишни яхши кўраман.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга берилаётган катта эътибор йилдан-йилга ўз самарасини кўрсатмоқда. Севаранинг ютуқлари, қатор-қатор медаллари шу ғамхўрликнинг меваси. Айниқса, Токио, Бухарест, Кипрдаги жаҳон кубоги мусобақаларида эришган ғалабалари, 1-ўрин, олтин медаллар 13 ёшли Севаранинг кейинги халқаро майдонлардаги чиқишларига қанот бағишлади.

Қисқаси, Ўзбекистон ёшлари ўз истеъдодларини, салоҳиятларини намоён этишлари учун барча шароит муҳайё этилган. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти одоб-ахлоқли, ақлли, билимдон, ёрқин истеъдод эгалари бўлган зукко қизларни кашф этишда муҳим омил бўлмоқда. Қувонарлиси, вилоятимизнинг 14 нафар Зулфия мукофоти совриндорлари қаторига бу йил моҳир спортчи қиз Севара Абдулҳакимова ҳам қўшилди.

У бундай юксак мукофотга лойиқ кўрилгани бежиз эмас. Спортдаги ютуқлари қаторида инглиз ва рус тилларини ўрганаётгани, коллеждаги "Ораста қизлар" тўгарагига раҳбарлик қилаётгани таҳсинга лойиқ. Орзулари осмон қизнинг келажаги порлоқ экани шубҳасиз. Муҳими, Севарадаги ғайрат, шижоат, қатъият, ирода борлиққа бўлган меҳр-муҳаббат, садоқат асло сўнмасин.

**Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**


ЭЪЛОНЛАР

### «AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2014 йил 24 апрель куни соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

I. Ҳамза туман СИБ томонидан: 1. 2010 йил 30 июнь кунги ижро варақасига асосан хатланган, 61800-сонли ҳарбий қисмда сақланаётган, 1991 йилда и/ч., дав. бел. 11 G 8211 бўлган "Маз-35337" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 12 294 449 сўм. 2. 2009 йил 21 август кунги 2-504/09-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, 1988 йилда и/ч., дав. бел. 10 AZ 071 бўлган "Камаз-53212" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 5 276 535 сўм. II. Миробод туман СИБ томонидан, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2014 йил 20 февраль кунги 5668/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч., дав. бел. 01 Y 426 NA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 48 000 000 сўм. 2. 2014 йил 28 февраль кунги 7623/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч., дав. бел. 01 L 092 NA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 32 998 524 сўм. 3. 2014 йил 22 январь кунги 2264/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1998 йилда и/ч., дав. бел. 01 Q 598 OA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 20 000 000 сўм. 4. 2014 йил 22 январь кунги 2273/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1978 йилда и/ч., дав. бел. 10 J 106 FA бўлган "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 7 916 900 сўм. 5. 2014 йил 22 январь кунги 2263/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1983 йилда и/ч., дав. бел. 10 H 045 HA бўлган "Ваз 2103" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 4 407 898 сўм.

2014 йил 8 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Миробод туман СИБ томонидан: 1. 2013 йил 30 октябрь кунги 36235/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2004 йилда и/ч., дав. бел. 10 Y 051 DA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 20 719 830 сўм. 2. 2012 йил 19 ноябрь кунги 36608-09/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси, 4-уйда сақланаётган, 1994 йилда и/ч., дав. бел. 30 U 0013 бўлган "Volvo FH12 тягач" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 48 168 507 сўм. II. Учтепа туман СИБ томонидан, 2012 йил 13 декабрь кунги 1-3923/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИБ ЙХХБда сақланаётган, 1988 йилда и/ч., дав. бел. 30 S 1652 бўлган "Даймлер Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 37 800 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб хафтанинг расмий иш кунлари қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29. Гувоҳнома: 006388.

### «AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2014 йил 15 апрель куни соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда, Бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

I. Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан, "Автомото Хаваскор" МЧЖ жарима майдонида сақланаётган: 1. 2014 йил 17 январь кунги 448/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч., дав. бел. 01 U 863 FA бўлган "Ваз 321214-126-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 24 500 000 сўм. 2. 2014 йил 17 январь кунги 452/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч., дав. бел. 10 Y 834 HA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 85 000 000 сўм. 3. 2014 йил 17 январь кунги 453/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч., дав. бел. 10 P 606 YA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 48 994 096 сўм. 4. 2014 йил 17 январь кунги 454/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда и/ч., дав. бел. 10 704 TAA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 46 994 096 сўм. 5. 2014 йил 17 январь кунги 456/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда и/ч., дав. бел. 10 W 286 EA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 33 940 096 сўм. 6. 2014 йил 17 январь кунги 457/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч., дав. бел. 01 Z 132 FA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 32 926 616,80 сўм. 7. 2014 йил 17 январь кунги 458/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда и/ч., дав. бел. 10 E 565 EA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 28 956 996,20 сўм. II. Юнусобод туман СИБ томонидан: 1. 2014 йил 20 январь кунги 609-610/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Юнусобод тумани, Х. Асомов кўчаси, 36-уйда сақланаётган, 2005 йилда и/ч., дав. бел. 01 060 GAA бўлган "Хаммер" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 100 000 000 сўм. 2. 2013 йил 17 июль кунги 18268/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 8-сонли автосарой майдончасида сақланаётган, 1992 йилда и/ч., дав. бел. 10 BA 939 бўлган "Мазда Т2600" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 13 814 000 сўм. III. Чилонзор туман СИБ томонидан: 1. 2013 йил 14 март кунги ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2004 йилда и/ч., дав. бел. 01 054 MCA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 24 300 000 сўм. IV. Миробод туман СИБ томонидан: 1. 2013 йил 11 сентябрь кунги ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1987 йилда и/ч., дав. бел. 01 W 736 MA бўлган "ГБАСПГ Газ 2411" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 3 257 000 сўм. V. Ҳамза туман СИБ томонидан, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2013 йил 19 август кунги 10-16307(12)/11377-сонли ва 2013 йил 15 июль кунги 10-1320/9043-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, 2001 йилда и/ч., дав. бел. 01 722 ECA бўлган "Опел Омега" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 24 012 000 сўм. 2. 2013 йил 19 август кунги 10-16307(12)/11377-сонли ва 2013 йил 15 июль кунги 10-1320/9043-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч., дав. бел. 01 022 YBA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 26 339 000 сўм. 3. 2013 йил 25 декабрь кунги 1-1152-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 R 427 LA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 32 000 000 сўм.

2014 йил 1 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Миробод туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган: 1. 2014 йил 07 январь кунги 2/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч., дав. бел. 01 T 805 OA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 18 841 101 сўм. 2. 2014 йил 7 январь кунги 3/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2006 йилда и/ч., дав. бел. 01 B 041 CA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 16 100 000 сўм. 3. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39614/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч., дав. бел. 01 X 085 GA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 15 640 000 сўм. 4. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39615/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2004 йилда и/ч., дав. бел. 01 T 419 MA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 11 478 782 сўм. 5. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39617/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч., дав. бел. 01 D 184 OA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 33 600 000 сўм. 6. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39618/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2002 йилда и/ч., дав. бел. 85 K 775 BA бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 53 200 000 сўм. 7. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39616/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда и/ч., дав. бел. 01 Q 079 HA бўлган "Ваз 2106" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 5 436 982 сўм. 8. 2011 йил 14 октябрь кунги 20049/21-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 C 915 CA бўлган "Хонда Аккорд" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 68 636 543 сўм. II. Республика Суд департаменти томонидан 2012 йил 5 март кунги 1-69/12 сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Шарқли Мелиса" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 1984 йилда и/ч., дав. бел. 10 AZ 010 бўлган "Камаз-5320" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 28 129 000 сўм. 2. 1981 йилда и/ч., дав. бел. 10 BE 430 бўлган "Камаз-5311" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 27 574 000 сўм. 3. 1984 йилда и/ч., дав. бел. 10 BE 429 бўлган "Камаз-5511" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 28 223 000 сўм. 4. 1991 йилда и/ч., дав. бел. 10 BA 712 бўлган "Камаз-5320" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 28 752 000 сўм. 5. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 767 CAA бўлган "Газ-2752-414" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 37 321 000 сўм. 6. 2012 йил 23 июль кунги 1-185г/12- сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч., дав. бел. 01 R 216 JA бўлган "Лексус GX470" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 160 507 000 сўм. 7. 2012 йил 23 июль кунги 1-185в/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 701 AAA бўлган "NISSAN ALTIMA" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 62 308 000 сўм. 8. 2012 йил 23 июль кунги 1-185д/12 сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч., дав. бел. 10 707 AAA бўлган "Тайота Прадо" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 128 746 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб хафтанинг расмий иш кунлари қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-8329. Гувоҳнома: 006388.

### «NEW ESTATE ACTION» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан, 2012 йил 12 ноябрдаги ҳал қилув асосан, Янгийўл тумани, Эски Қовунчи ҚФЙ, Гулистон кўчаси 69-уй манзилида жойлашган: 270,82 кв.м. бўлган, Литер 0001 нотурар бино, Литер 0002 ёрдамчи бино, Литер 0003 ёрдамчи бино, Литер 0004 нотурар бино, Литер 0005 бостирма, Литер 0006 омборхона, Литер 0007 ҳаммом, Литер 0008 бостирма, Литер 0009 бостирмалардан иборат бино ва иншоотлари савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 30 308 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 8 апрель куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Мирobод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 307373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй, Тел.: 254-69-13. Лицензия: RR-0148.

### «REAL AUKSION» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани СИБ томонидан, 2013 йил 26 июлдаги № 2-889-сонли ижро хужжатига асосан: Оққўрғон тумани ИИБ АМТФКМНБ жарима майдонида сақланаётган: 1992 йилда и/ч., дав/рақ: X737ALN, бошланғич баҳоси – 9 979 879,68 сўм бўлган "OPEL Vectra русумли автортранспорт воситаси такрорий савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2014 йил 4 апрель куни соат 11:00 да бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Мирobод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй, Тел.: 254-69-13. Гувоҳнома № 006795.


## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ



Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 21 март куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 4-6, кундузи 13-15 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол баъзи жойларда кучайиб, секундига 15-20 метрга етиши мумкин. Кечаси 3-8, кундузи 12-17 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир, қор ёғади. Қор кўчиши хавфи бор. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол айрим жойларда кучайиб, секундига 15-20 метрга етиши мумкин. Кечаси 2 даража совуқ, 3 даража илиқ, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.


Чиноз хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи томонидан 2013 йилда Мусаев Карим Ҳакимжон ўғлига берилган К № 3137702 (рўйхат рақами № 3469) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чиноз хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи томонидан 2013 йилда Худойбердиева Севара Раҳмонали қизига берилган К № 3141379 (рўйхат рақами № 2076) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Мирobод тумани ТСРЎИ томонидан 23.12.1998 йилда 829-сонли қарор билан қайта рўйхатга олинган "KOMQURILISHSERVIS" хусусий фирмасининг мулкчилик шакли оилавий корхонага ўзгаришини маълум қилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида (+99894) 686-47-10 телефон рақами орқали қабул қилинади.







Бадиий гимнастика

## КАМАЛАК ҒУНЧАЛАРИ



**Бўка туманидаги 5-умумтаълим мактабида спортнинг бадиий гимнастика тури бўйича "Камалак ғунчалари" мусобақасининг вилоят финал босқичи бўлиб ўтди.**

Финал мусобақаларида шаҳар ва туман босқичларида ғолиб чиққан 36 ўқувчи қиз иштирок этди.

Натижаларга кўра, Бекобод шаҳридан Моҳира Раҳимова ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Чирчиқ шаҳридан Зиёда Абдуллаева ҳамда Ангрен шаҳри вакиласи Диёра Ортиқбоева эгаллашди.

Мусобақа сўнгида ғолибларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

Эгрилик ҳамиша панд беради

# КАСБИ ШИФОКОР, ИШИ ЖИНОЯТ

**Инсон борки умр бўйи бойликка, тўкин яшашга интилади. Бунинг учун эса ҳар ким ўзича йўл танлайди. Кўпчилик ҳалол меҳнати орқасидан фарзандларига пок луқма едирса, айримлар ҳаромдан ҳазар қилмай, текинтомоқликка одатланади. Жон койитмай, товламачалик, алдов билан, ҳатто қонунларни бузиб бўлса-да, ўз мақсадига эришишни кўзлайди.**

Мамлакатимизда ҳар соҳанинг ўз қонун-қоидалари, меъёрий ҳужжатлари бор. Хусусан, таркибида гиёҳванд моддалар бўлган дори воситаларининг аксариятини мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш тақиқланган. Рухсат этилганлари ҳам махсус назорат остида олиб келинади. Мақсад, гиёҳванд моддаларнинг бу турлари кенг тарқалиб кетиши ва унинг оқибатлари олдини олишдир.

Бироқ, айрим нопок кишилар шундай дори воситаларини ноқонуний йўллар билан юртимизга олиб киришга ҳаракат қилишмоқда. Елена Сивак ҳам бинойидек касби, тайинли иш жойи бўла туриб, шундай қинғир, қалтис йўлни танлади.

У Сирғали туманидаги 12-оилавий поликлиникада болалар шифокори бўлиб ишларди. Шифокор-невропотолог сифатида болаларнинг руҳий ҳолатини текшириш, муолажа белгилаш хизмат вазифасига киришини ҳисобга олганда, унинг қуйидаги хатти-ҳаракатлари қанчалик пухта режалаштирилганини англаш мумкин.

Елена Петровна таркибида гиёҳванд моддалар бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш тақиқланган "Фенозипам" психотроп дорисини Қозоғистон Республикасидан ноқонуний йўл билан олиб кираётганда божхона хизмати ходимлари томонидан ушланди. Бу дориларни нима сабабдан мамлакатимизга олиб келаётгани сўралганда, изоҳлаб беролмади. Шундан ҳам билиш мумкинки, унинг бу иши яхши ният, эзгу мақсадга қаратилмаган. Аксинча, дорини мўмай пулга сотиб, чўнтагини қаппайтириш унинг асосий мақсади бўлган.

Хўш, таркибида гиёҳванд модда бор бу дори воситалари ушлаб қолинмай, юртимизда тарқалганда нима бўларди? Руҳий хасталиги бор бола ёки катталар ичса, кейинчалик улар гиёҳванд моддаларга ружу қўймайди, деб ким кафолат бера олади? Натижада эса қанча оилада майиб-мажруҳ болалар дунёга келиб, кимлардир етимлик юкини ортмоқлайди, аёллар эса беваликдан азият чекади.

Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Қилган ишидан пушаймон бўлган Елена Севак ҳам суд ҳукми билан 5 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ўйламай босилган бир қадам ёки содир этилган кичик бир жиноят ҳам атрофдагиларга катта зиён етказиши мумкинлигини унутмаслигимиз керак. Ҳар қадам ва ҳар дақиқада ҳушёр, сергак бўлиш бугуннинг энг зарур талабларидандир. Шундай экан, доим ён-атрофга теран назар билан қарашимиз, воқеликларга беписанд бўлмаслигимиз лозим. Фарзандларимизни гиёҳвандлик балосидан сақлашимиз, уларни ҳар тарафлама етук, маънан баркамол қилиб вояга етказишимиз ҳам ота-оналик, ҳам келажак олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Демоқчимизки, қилаётган ҳар бир ишимиз фарзандларимиз камоли ва юртимиз равнақи учун хизмат қилсин. Ҳеч бир хатти-ҳаракатимиз ўзимиз ва ўзгаларга зарар етказмасин.

**Мурод ҲАКИМОВ.**




## ГАИТИДА МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ҚУРҒОҚЧИЛИК

**Гаитида узоқ давом этган қурғоқчилик фавқулодда вазиятга сабаб бўлди.**

Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги миллий агентлиги вакили Пьер Гэри Марьенинг таъкидлашича, саккиз ойлик қурғоқчилик экинларни қуритди, чорванинг қирилишига сабаб бўлди, деб ёзади Associated Press. Ҳукумат вакилининг гапига қараганда, қишлоқ хўжалигидаги аҳволни қайта тиклаш учун камида олти ой муддат керак бўлади.

Юз берган хатарли вазият муносабати билан ҳукумат амалдорлари фермерларга уруғлик тарқатиш ва уларни сув билан таъминлашни режалаштиришмоқда. Ҳолбуки, бир қатор мактабларда овқат тайёрлаш учун сув йўқ. Бошқа айрим мактабларда эса на сув, на озиқ-овқат бор.



**Исроил авиацияси Сурия армияси қароргоҳларига зарба берди. Маълум қилинишича, бу ҳаракат Ғулон тепалигида Фугас портлатилганига жавоб эди.**

## ФУГАСГА ЖАВОБАН АВИАЗАРБА

Фугас портлаши оқибатида тўрт нафар Исроил ҳарбий хизматчиси ярадор бўлган. "Исроил армияси Сурия армиясининг машғулотлар лагери, ҳарбий штаби ва артиллерия батареясига зарба берди", деди Исроил мудофаа армияси матбуот хизмати расмий вакили Питер Лернер. Унинг фикрича, ушбу объектлар Ғулон тепалигида Фугасни портлатишга алоқадор бўлишлари мумкин.

"Исроил армияси аскарларига қарши ҳар қандай ҳужум Сурия томонидан қўлланилган зўравонлик деб баҳоланади ва мамлакат ўз аҳолиси ва қўшинларига қарши бундай тажовузни жавобсиз қолдирмайди", деди Лернер.

## ВЕРТОЛЁТ ҚУЛАДИ, ҚУРБОНЛАР БОР

**Американинг Вашингтон штатидаги Сиэтл шаҳрида бинолардан бирининг томига қўнишга ҳаракат қилган вертолёт мўлжалда адашиб, йўлнинг ўртасига қулаганлиги ҳақида хабар тарқатди Associated Press.**



Вертолёт қулаётган пайтда учта автомобилга урилиб кетди. Ҳалокат жойида ёқилғи оқиб кетганлиги сабабли кучли ёнғин бошланди. Оқибатда икки киши ҳалок бўлди. Яна бир киши машинасидан чиқишга улгурди, бироқ у ҳам оғир аҳволда шифохонага келтирилди. Врачларнинг айтишича, танаси 50 фоиз куйган.

Маълумотларга кўра, вертолёт бутунлай ёниб тамом бўлган. Фуқаро авиацияси федерал бошқармаси ҳамда транспортда хавфсизлик бўйича миллий кенгаш терговчилари вертолёт ҳалокати сабабларини ўрганишмоқда.

## АВТОЧИЛАНГАР ЭНДИ МИЛЛИОНЕР

**Британияда Evromillions лотереяси жекпотининг 107,9 миллион фунт стерлинг миқдоридаги ютуғи эгаси маълум бўлди.**



The Daily Telegraph газетасининг ёзишича, оддий авточилангар, автопойгалар иштирокчиси энди миллионерга айланди. Лотерея ташкилотчиларининг сўзларига кўра, ютуқ эгаси жекпотни сўраб келган. Аммо, унинг исм-шарифи ҳозирча ошкор қилинмаяпти.

Қарийб, 108 миллион фунт 2014 йилдаги энг катта ютуқдир. Унинг эгаси Evromillions лотерея ўйинларининг тўртинчи ғолиби бўлди. 2011 йилнинг июлида 161 миллион фунт ютиб олган Колин ва Крис Уйэр биринчи ўринда туришибди.

## БЕРЛУСКОНИ УСТИДА ҚОРА БУЛУТ

**Reuters агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, Италиянинг кассацион суди собиқ бош вазир Сильвио Берлусконининг кейинги икки йил давомида раҳбарлик лавозимида ишлашини тақиқловчи қарорни тасдиқлади.**



Берлусконининг адвокати ушбу хабар собиқ бош вазирни қаттиқ ранжитганини айтди. Гап шундаки, Берлускони май ойида ўз номзодини Европарламентга қўймоқчи эди.

Италия парламентининг юқори палатаси 2013 йил ноябрь охирларида Берлусконини сенатор мақомидан маҳрум қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Сиёсатчи уни сенатдан чиқариб юборишларига қарши қаттиқ курашди. Чунки, бу кўплаб жиноий айблари учун уни қамоққа олишларига сабаб бўларди. Дарвоқе, собиқ бош вазирнинг ёши 77 дан ошганлиги боис у қамоқ жазосини ўтамайди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
**Тошкент вилояти ҳокимлиги**

Бош муҳаррир
**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**e-mail:** th.tp@mail.ru

**Телефонлар:**
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Ҳасан САЪДУЛЛАЕВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 9443. Адади 18758. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.40.